“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Ўзагроинспекция” бошлиғи
_____ А. Вахабов
2021 йил “10” декабрь

“Ўзагроинспекция”нинг коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлигини рейтинг баҳолаш бўйича амалга ошириладиган тадбирларнинг

Р Ў Й Х А Т И

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Амалга ошириш муддати	Масъуллар
1.	Барча ходимларни қуйидаги: **ички меъёрий ҳужжатлар:** “Ўзагроинспекция” бошлиғининг 2021 йил 12 февралдаги С-4-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзагроинспекция”, ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида: коррупцияга карши курашиш **сиёсати**; коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш **услубиёти**; манфаатлар тўқнашувини бошкариш тўғрисидаги **низом**; коррупцияга оид ҳаракатлар тўғрисида ахборот бериш учун алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва қайта ишлаш **регламенти**; ходимлари учун коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишни ташкил этиш юзасидан услубий **кўрсатмалар**; коррупцияга қарши тамойиллар ва талабларга риоя қилинишини мониторинг ва назорат қилиш **услубиёти**; коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳақидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш **регламенти**; контрагентлар билан тузиладиган шартномаларга киритиш учун коррупцияга қарши қоидаларнинг мазмуни бўйича **асосий шартлар**; ходимлари билан тузилган мехнат шартномаларига киритиш учун коррупцияга қарши қоидаларнинг мазмуни буйича **асосий шартлар**. “Ўзагроинспекция” бошлиғининг 2021 йил 21 октябрдаги С-12-сон буйруғи билан тасдиқланган: контрагентларни текширишга оид **йўриқнома**;	2021 йил 20 декабрь, доимий	Кадрлар бошқармаси Ж.Сафаров, Инспекциянинг ҳудудий бошқарма бошлиқлари, Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази директори

Т/р	Амалга оширилaдиган тадбирлар	Амалга ошириш муддати	Масъуллар
	ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича **йўриқнома;** ходимларининг коррупциявий хатти-харакатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича **регламент.** **дастур ва режалар:** 2021 йил 9 ноябрдаги 01/5-4-727-сонли хат билан юборилган: “Ўзагроинспекция” тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган **чора-тадбирлар дастури**; “Ўзагроинспекция” тизимида коррупцион хавф-хатарлар юқори бўлган муносабатларни бартараф этиш бўйича **чора-тадбирлар режаси**”: **Кўрсатма**лар: 2021 йил 1 июлдаги 01/4-5-10-сонли **кўрсатма**; **Ахборот каналлари:** “Ўзагроинспекция” тизимидаги коррупция ҳолатлари ҳақида юбориладиган маълумотлар махсус боти – https://t.me/uzagroinbot; +99871-202-12-26 ишонч телефони; расмий веб-сайт – https://t.me/uzagroinbot билан **ёзма тартибда имзосини олган ҳолда таништириш.** Кейинчалик янги ишга қабул қилинган ходимларни мазкур ҳужжатлар билан ёзма (имзосини олган ҳолда) тартибда таништириш.		
2.	Ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаларига, ходим ўз вазифаларини бажараётганида коррупциявий ҳатти-ҳаракатларда қатнашмаслик, шу жумладан, ғайриконуний мақсадларда ўзининг ёки бошқа шахсларнинг ҳаракатлари ёки қарорларига таъқиб килиш учун пул маблағлари ёки бошқа қимматликлар кўринишида олмасликлари хусусида ўзгартириш киритиш учун **“Меҳнат шартномасини коррупцияга қарши қоидаларнинг мазмуни бўйича асосий шартлар билан тўлдириш тўғрисида қўшимча келишув”** имзолаш. Кейинчалик янги ишга қабул қилинган ходимларнинг меҳнат шартномаларида асосий шартларни акс эттириш.	2021 йил 20 декабрь, доимий	Кадрлар бошқармаси Ж.Сафаров, Инспекциянинг ҳудудий бошқарма бошлиқлари, Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази директори
3.	“Ўзагроинспекция” марказий аппарати, ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига ишга қабул қилишда номзодларни (“Ўзагроинспекция” бошлиғининг 2021 йил 21 октябрдаги С-12-сон буйруғи билан тасдиқланган йўриқномага асосан) **текшириш ва расмийлаштириш**.	Доимий	Кадрлар бошқармаси Ж.Сафаров, Инспекциянинг ҳудудий бошқарма бошлиқлари,

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Амалга ошириш муддати	Масъуллар
			Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази директори
4.	“Ўзагроинспекция” марказий аппарати, ҳудудий ва таркибий бўлинмалари зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни бажаришда юзага келадиган коррупциявий хавф-хатарларни (“Ўзагроинспекция” бошлиғининг 2021 йил 12 февралдаги С-4-сон буйруғи билан тасдиқланган услубиёт асосида) **ўрганиш ва баҳолаш.**	2022 йил 25 январь	Каррупцияга қарши ички назорат бўлими А.Очилов, Кадрлар бошқармаси Ж.Сафаров, Инспекциянинг ҳудудий бошқарма бошлиқлари, Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази директори (Кадрлар бўлимлари)
5.	“Ўзагроинспекция” бошлиғининг 2021 йил 12 февралдаги С-4-сон ва 2021 йил 21 октябрдаги С-12-сонли буйруқлари билан тасдиқланган ички меъёрий ҳужжатлар ижросини “Ўзагроинспекция” ҳудудий бошқармалари ва тизим ташкилотларида бажарилишини Кадрлар бўлимлари томонидан **ўрганиш, таҳлил қилиш ва доимий назорат қилиш** ҳамда белгиланган муддатларда “Ўзагроинспекция” марказий аппарати Каррупцияга қарши ички назорат бўлимига **маълумот, ахборот ва ҳисобот** шасклида **киритиб бориш**.	Доимий	Инспекциянинг ҳудудий бошқарма бошлиқлари, Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази директори (Кадрлар бўлимлари)
6.	**Контрагентлар билан тузиладиган шартномаларнинг** “Тарафларнинг жавобгарлиги бўлимига” алоҳида банд сифатида “Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни “Ўзагроинспекция” ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиш ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қийматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.” жумласини **асосий шарт сифатида мажбурий киритилишини таъминлаш.**	Доимий	Молия хўжалик бошқармаси (К.Бахоров), Инспекциянинг ҳудудий бошқарма бошлиқлари, Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази директори

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Амалга ошириш муддати	Масъуллар
7.	Давлат харидларини амалга оширишда “Ўзагроинспекция” расмий веб-сайтига, шунингдек оммавий ахборот воситаларига **эълон** жойлаштириш.	Доимий	Молия хўжалик бошқармаси (К.Бахоров), Инспекциянинг ҳудудий бошқарма бошлиқлари, Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази директори
8.	Давлат харидларини амалга оширишда шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик “Ўзагроинспекция” ва ҳудудий ҳамда таркибий бўлинмалари ходимининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан Инспекция ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазиятларни (“Ўзагроинспекция” бошлиғининг 2021 йил 12 февралдаги С-4-сон буйруғи билан тасдиқланган Низом асосида) **текшириш ва расмийлаштириш.**	Харидлар жараёнида	Молия хўжалик бошқармаси (К.Бахоров), Инспекциянинг ҳудудий бошқарма бошлиқлари, Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази директори
9.	Харид қилиш учун танлов эълон қилиш, танловга оид таклифлар бўлган конвертларни очиш вақти ва жойини белгилаш, танловга берилган эълон (лот рақами:___) бўйича таклифлар бўлган конвертларни очиш, Харид комиссиясининг аъзолари ўртасида давлат харидлари иштирокчисини текшириш бўйича вазифаларни таксимлаш ҳамда танловга берилган эълон (лот рақами:____) бўйича таклифларни бюртмага мувофиқлик даражасини баҳолаш ва ғолибни аниқлаш ҳақидаги “Ўзагроинспекция” харид комиссиясининг **мажлис баённомалари**ни қонунчиликка мувофиқ расмийлаштириш.	Харидлар жараёнида	Харид комиссияси, Молия хўжалик бошқармаси (К.Бахоров), Инспекциянинг ҳудудий бошқарма бошлиқлари, Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази директори
10.	“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сон Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 июндаги 373-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг расмий веб-сайтига қўйиладиган асосий талаблар”га ҳамда “Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида расмий веб-сайтларда маълумотларни жойлаштириш тартиби тўғрисида”ги низом (рўйхат рақами 3299, 2021 йил 7 май) ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига асосан Инспекциянинг расмий веб-сайтини батафсил қайта кўриб чиқиб, зарур ва ижтимоий аҳамиятга молик	2021 йил 25 декабрь	Жамоатчилик билан алоқалар бўлими (Х.Шодиева), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими (Б.Рахимов), Инспекциянинг ҳудудий бошқарма бошлиқлари,

Т/р	Амалга оширилaдиган тадбирлар	Амалга ошириш муддати	Масъуллар
	маълумотларни жойлаштириш ва янгилаб бориш, шунингдек, «Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази» давлат унитар корхонасининг расмий веб-сайтини ҳам Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 февралдаги 81-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат иштирокидаги хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналарининг расмий веб-сайтларига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги низом ҳамда юқорида қайд этилган қонунчилик ҳужжатларига асосан қайта кўриб чиқиш ва камчиликларни бартараф этиш.		Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази директори
11.	Коррупция фактлари ҳақида хабар беришга мўлжалланган махсус ахборот алоқа телеграмм бот (канали) очиш ва “Ўзагроинспекция”нинг барча ходимларини аъзо қилиш. Мазкур канал орқали коррупциявий хавф-хатарлар ва ҳуқуқбузарликлар ҳақида келиб тушадиган мурожаатларни таҳлил қилиш ва уларни белгиланган тартибда кўриб чиқилишини таъминлаш натижаси бўйича таҳлилий материалларни Инспекция раҳбари ва ходимларига етказиш.	2021 йил 25 декабрь, доимий	Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими (Б.Рахимов), Каррупцияга қарши ички назорат бўлими А.Очилов